

## Дўзахдан бир чўғ



11:16 / 16 октябрь 902

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ансорлардан бир кишининг қўлида тилла узук кўриб қолдилар. Уни ечиб олиб ерга ташладилар ва:

«Сизлардан бирингиз дўзахдан бир чўғни олиб, қўлига тақиб олади!», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетганларидан сўнг бир киши унга:

- Узугингни олмайсанми? - деди.

У айтди: Аллоҳга қасамки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ташлаган нарсани олмайман!

Бу ривоятда Аллоҳ динига даъват қилишнинг ҳамда даъватга эргашишнинг гўзал намунаси бор!

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳолатлари (яъни тилла узук таққан ансорийга бўлган муомалалари) билан масжид ичида бавл қилган аъробийга қилган муомалаларини солиштиринг. Аъробийни масжиддагилар тергашган, Расулуллоҳ эса саҳобаларини унга нисбатан мулойим бўлишга чақирганлар, унга бақирмасликларини айтган эдилар.

Икки хил тасарруф икки хил иш ўртасидаги тафовутдан келиб чиқмаган. Бундан масжидда бавл қилиш енгил иш экан, деган хулоса келиб

чиқмайди.

Икки иш ўртасидаги фарқ шуки, масжидда бавл қилган киши аъробий эди. У илмсиз эди. Саҳродан келган эди. Бу диндан ҳали ҳеч нарса билмасди. У ўзи одатланган, ўрганиб қолган ишини қилди.

Иккинчи киши эса Мадина аҳлидан, саҳобалардан эди.

Аъробийга юмшоқ муомала қилингани унинг исломга янги киргани учун эди. Бунга шу муомала фойдалироқ эди.

Ансорийга қаттиққўллик қилингани эса унинг саҳобалик шарафига эгаллиги, иймон аҳли билан бирга яшаётгани учун эди. Унга шу муомала манфаатли эди.

Тўғри, барчага бирдай юмшоқлик қилиш матлуб иш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига нисбатан юмшоқ эдилар. Аммо юқоридаги ҳодиса нодир ҳолатлардандир. Бу билан Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга танбеҳ ҳам муҳаббат миқдорида бўлишини таълим беряптилар. Маломат эса, иймон ва пешқадамлик миқдорида бўлишини англаяптилар.

Динга чақирув дарси шудир.

Эргашиш дарси эса ансорийнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ерга ташлаган узукни олмагани, сотиб фойдаланишдан бош тортганидир. Аслида, эркак кишига тилла узукни тақиш ҳаром эди, сотиш эмас. Аммо у буюк иймони сабабли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам отиб юборган узукни қайтиб ердан олмади.

Набавий амрга эргашишнинг энг гўзал намунаси бу! Бу ансорий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ерга ташлаган узукни олишдан бош тортган эди.

Энди, биз-чи, биз ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ерга улоқтирган ёмон хулқларни ёмон кўрдикми?! Аслида, ансорий узукни ердан олиб, сотиб, ўзининг бошқа эҳтиёжига ишлатса, ҳалол бўлаверарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рибони ерга улоқтирдилар. У ҳаром эди. Аммо биз уни тарк қила олдикми?! «Хўп бўлади!» дедикми?! Ҳалол оз кўринса-да, тўйдирарди. Ҳаром кўп кўринса-да, етмайди. Биз силаи раҳми боғладикми?! Ўзаро муҳаббат давомли бўлиши учун қариндошларимизнинг баъзи камчиликларига кўз юмдикми?!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ота-онага оқ бўлишни ерга улоқтирдилар. Биз уларга яхши фарзанд бўла олдикми?! Ота жаннат эшиклари билан фарзанд ўртасида эканини англадикми?! Энг гўзал муомалага онамиз муносиблигини билдикми?!

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳдан сўрашибди:

- Киши ота-онаси билан хусуматлаша оладими?

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ дедилар:

- Ҳатто уларнинг ковушлари билан ҳам хусуматлаша олмайди!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшниларга ёмонлик қилишни ерга улоқтирдилар. Биз ёнимиздагиларнинг энг яхши қўшниси эканимизга ишонамизми?! Жаброил алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшнилар ҳақида кўп васият қилганларини, ҳатто у зот уларни меросхўр бўлади, шекилли, деб ўйлаб қолганларини ёдимизга олдикми?!

Зотан Исломнинг номи ҳам Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига бўйсунушга, итоат этишга ишора қилади! Биз ҳар бир амрга «Хўп бўлади!» дея олдикми?!

***«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.